

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

(«Халқ сўзи», 2012 йил 10 ноябрь, 220 (5640)-сон)

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2012 йилнинг 1 декабридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,1 баравар оширилсин.

2. 2012 йилнинг 1 декабридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи – ойига 79 590 сўм;

ёшга доир пенсиялар – ойига 155 670 сўм;

болалиқдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 155 670 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 95 520 сўм миқдоридан белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устима ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2012 йилнинг 1 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет муасса-

салари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қондаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2012 йилнинг 1 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 5 июлдаги ПФ-4450-сонли Фармони (1-бандининг иккинчи хатбоши ва 6-банди истисно қилинган ҳолда), 2012 йилнинг 1 декабридан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2012 йил 9 ноябрь
ПФ-4482-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида куйидаги қонун лойиҳалари кўриб чиқилди:

«Микромолиялаш соҳаси такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси. Қонун лойиҳаси микромолиялаш бозорини ва микрокредит ташкилотлари тизимини янада ривожлантиришга, халқаро принципалар ва андозаларга мувофиқ тартибга солиш ва назорат қилишнинг таъсирчан механизмларини жорий этишга қаратилган;

янги таҳрирдаги «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси. Ҳужжат йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ва принципларини белгилаб беради, нафақат транспорт воситаларининг, балки автомобиль йўлларининг ҳам техник ҳолати ва жиҳозланишига қўйиладиган талабларни аниқлаштиради. Ҳар томонлама муҳокамадан сўнг Қонунчилик палатаси ушбу қонунни қабул қилди;

«Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳасини. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши суриштирув ва дастлабки тергов сифатини ошириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга ўз вақтида тўсиқ қўйиш борасидаги ишларни янада самарали олиб бориш имкониятини яратади. Қонунчилик палатаси мазкур қонунни қабул қилди;

«Ишбилармонлик муҳити янада тубдан яхшиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги

қонун лойиҳаси. Мазкур қонун лойиҳаси тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтиришга, жиноят ва жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини либераллаштиришга қаратилган;

«Хусусий банклар ва молия институтлари ҳамда уларнинг фаолияти кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси. Ушбу қонун лойиҳаси хусусий мулкка асосланган хусусий банклар ва молия институтларини ташкил этишнинг қонунчилик асосларини шакллантиришга, банк ва бошқа молия хизматлари бозоридан рақобатни кенгайтириш ва миқдорларга хизмат кўрсатиш сифатини оширишга, замонавий бозор инфратузилмасини ривожлантириш учун шарт-шароит яратишга қаратилгандир. Қонунчилик палатаси ушбу қонунни ҳам қабул қилди;

«Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси. Ушбу қонун лойиҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтишнинг асосий жиҳатларига эътибор қаратилганлиги тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш имконини беради, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай шарт-шароит яратади, шунингдек, рухсат бериш тартиб-таомиллари билан боғлиқ масалаларни ҳуқуқий тартибга солишнинг тизимлилиги ва яхлитлигини таъминлайди. Қонунчилик палатаси ҳар томонлама муҳокамадан сўнг ушбу қонунни қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг ахборот хизмати
материали асосида тайёрланди.



Қонунчиликдаги янгиликлар

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

2012 йил 25 октябрдан 9 ноябргача бўлган даврда қабул қилинган, тақдим этилаётган, шунингдек бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz

сайтида
танишиб
чиқишин-
гиз мум-
кин.



ХОРАЗМ ТРОЛЛЕЙБУС ПАРКИ 9 ТА МАШИНАГА КЎПАЯДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 25.10.2012 йилдаги 309-сон қарорига мувофиқ «Хоразм троллейбус бошқармаси» давлат корхонаси «Шкода электрик» фирмаси (Чехия) билан Хоразм вилояти троллейбуслар ҳаракатдаги паркинни янгилаш учун 9 та троллейбус харид қилишга доир шартнома имзолади. Шартномани маблағ билан таъминлаш манбаи – Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг 3 534,1 минг евро миқдоридан, 10 йил муддатга, шу жумладан 3 йилдан иборат имтиёзли даврга берилган, «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ орқали қайта молиялаштирилган кредит. Троллейбусларнинг харид қилиниши 2013 йилдаги Инвестиция дастурига киритилади. Вилоят ҳокимлигига маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига электр транспорти инфратузилмасини таъмирлаш учун 6 ойлик муддат берилди.

ПАХТА ТОЛАСИ ТОЙЛАРИНИ ЎРАШ МАТЕРИАЛЛАРИ ЎЗИМИЗДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 27.10.2012 йилдаги 310-сон қарори билан Ўзбекистон пахта толасининг жаҳон пахта бозоридан рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида, хорижий истеъмолчиларнинг пахта толаси тойларининг ташқи кўринишига ва ўралишига нисбатан тавсияларини ҳисобга олган ҳолда қайта ташкил қилинаётган Янгийўл пахта тозалаш заводи мол-мулкнинг бир қисми негизда 2013 йилнинг I чорагидан бошлаб полиэтилен-терафтолат лента ва юмшоқ полиэтилен контейнерлар ишлаб чиқариш бўйича МЧЖ ташкил қилинади. Республика ҳудудида полиэтилен-терафтолат лента ва юмшоқ полиэтилен контейнерларни ишлаб чиқариш бошлангунга қадар, 2012 йил ноябрь — 2013 йил январь ойларида пахта тозалаш корхоналарини ўраш ва боғлаш материаллари билан таъминлаш учун

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ

1-бетда

13,226 млн АҚШ доллари қийматидаги 2,3 миллион дона сарфлаш материаллари ва пахта толаси тойларини пакетлаш учун ускуналар етказиб беришга «Ўзсаноатмашимпекс» ДАТК билан «Nantong Yufeng Plastic Packing Co., Ltd» компанияси (ХХР) ўртасида шартнома тузилди.

СУДЬЯ УЧУН ИПОТЕКА

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 31 октябрдаги 312-сон қарори билан судьяларга имтиёзли шартларда уй-жой сотиб олишга узоқ муддатли ипотека кредитлари бериш ҳамда судьяларга уй-жойни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаш тартиби белгиланди.

Судьяларга имтиёзли шартларда уй-жой сотиб олишга узоқ муддатли ипотека кредитлари бериш тартиби тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, умумий юрисдикция судлари (ҳарбий судлардан ташқари) ва ҳўжалик судлари судьяларига татбиқ этилади.

Кредит камида 10 йилга берилади. Ипотека кредити миқдори уни олиш учун буюртманомга берилган кунда республикада белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 2 000 бараваридан ва сотиб олинган якка тартибдаги уй-жой ёки кўп квартиралардаги квартира қийматининг 75 фоизидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Бунда судья кредит олиш пайтида сотиб олинган якка тартибдаги уй-жой ёки кўп квартиралардаги квартира қийматининг камида 25 фоизи миқдорида тижорат банкида ўзининг номига миллий валютада очилган жамғарма ҳисобрақамида ўз маблағига эга бўлиши керак. 25 фоиз миқдоридаги дастлабки бадал судьянинг ҳисобрақамига Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ўтказилиши мумкин. Қарз гаров таъминоти ёки кафиллик ҳужжати тақдим этилган ҳолда фоизсиз ва қайтариш асосида берилади. Қарзни қайтариш муддати ипотека кредитини қайтариш муддатидан кам бўлиши мумкин эмас. Бунинг учун судья иш жойи бўйича қарз берилиши тўғрисида ариза билан мурожаат қилиб, унга зарур ҳужжатларни илова қилади.

Судьяларга уй-жойларни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ ҳар

ойлик пул компенсацияси доимий яшаш жойидан ташқари минтақада лавозимга тайинланган (сайланган) ҳамда уй-жойлар билан таъминланмаган судьяларга амалдаги сарф-харажатлар доирасида (коммунал хизматлар ҳақи бундан мустасно), лекин:

Тошкент шаҳрида — **энг кам ойлик иш ҳақининг 4 бараваридан;**

Нукус шаҳрида ва вилоятлар марказларида — **энг кам ойлик иш ҳақининг уч бараваридан;**

Ўзбекистон Республикасининг бошқа шаҳарлари ва туманлар марказларида — **энг кам ойлик иш ҳақининг 2 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда** тўланади.

Оила аъзолари уч киши ва ундан ортиқ бўлган тақдирда (судьянинг ўзини ҳисобламаган ҳолда) ушбу пул компенсацияси миқдорлари 50 фоизга оширилади. Бунда судьянинг тайинлаш (сайлаш) жойига келган оила аъзолари: хотини (эри), уларнинг болалари ва ота-оналари, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ ижарага олувчининг оила аъзолари деб эътироф этилган бошқа шахслар ҳисобга олинади. Пул компенсацияси миқдорини аниқлашда ҳисобга олинган оила таркиби ўзгарган тақдирда, судьянинг оила таркиби ўзгарганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари илова қилинган пул компенсацияси миқдорини қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги аризаси асосида янги миқдорлардаги пул компенсацияси белгиланган тартибда ушбу ўзгаришлар бошланган кундан бошлаб тўланади.

Тайинланган (сайланган) жойида ота-оналари ёки эри (хотини)нинг ота-оналари уй-жойларида бирга яшаётган судьяларга пул компенсацияси тўланмайди.

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ЙИГИМЛАР БОБИДА ЕНГИЛЛИКЛАР

Вазирлар Маҳкамасининг 1.11.2012 йилдаги 313-сон қарори билан Президентнинг 2012 йил 16 июлдаги ПФ-4453-сон Фармонига мувофиқ Ҳукуматнинг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди, шунингдек баъзилари ўз кучини йўқотган деб топилди. Хусусан, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тадбиркорлик субъектлари томонидан лицензиялар ва рухсат берувчи тусдаги ҳужжатларни олиш учун тўланаётган йиғимлар миқдори камида **2 баравар пасайтирилган:**

Фаолият тури	Лицензия олишга аризани кўриб чиққанлик учун йиғим	
	ўзгартиришлар киритилгунга қадар	ўзгартиришлар киритилгандан сўнг
Аудиторлик фаолияти	2 ЭКИХ	1 ЭКИХ
Сугурталовчилар ва сугурта брокерларининг сугурта фаолияти	4 ЭКИХ	2 ЭКИХ
Биржа фаолияти	4 ЭКИХ	2 ЭКИХ
Баҳолаш фаолияти	4 ЭКИХ	2 ЭКИХ
Нефть маҳсулотларини сотиш фаолияти	2 ЭКИХ	1 ЭКИХ

Фаолият тури	Лицензия олишга аризани кўриб чиққанлик учун йиғим	
	ўзгартиришлар киритилгунга қадар	ўзгартиришлар киритилгандан сўнг
Қимматли қоғозлар бозоридagi профессионал фаолият	2 ЭКИХ	1 ЭКИХ
Аэропортлардаги ташиш ишларини бажарувчи ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш фаолияти	жисмоний шахслардан – 2 ЭКИХ; 5 тагача ва 5 та транспорт воситасига хизмат кўрсатувчи юридик шахслардан – 3 ЭКИХ, 5 тадан ортиқ транспорт воситасига хизмат кўрсатувчи юридик шахслардан – 5 ЭКИХ	2 ЭКИХ
Ломбардлар	1 ЭКИХ	0,5 ЭКИХ
Курилиш лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш фаолияти	2 ЭКИХ	1 ЭКИХ
Баландликларда саноат альпинизми усулларига таъмирлаш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш фаолияти	2 ЭКИХ	1 ЭКИХ
Ветеринария фаолияти	3 ЭКИХ	1 ЭКИХ
Туристлик фаолият	5 ЭКИХ	2,5 ЭКИХ
Қимматли қоғозлар бланкаларини тайёрлаш	2 ЭКИХ	1 ЭКИХ
Тиббий фаолият	5 ЭКИХ	2 ЭКИХ
Божхона омбори фаолияти	4 ЭКИХ	2 ЭКИХ
Эркин омбор фаолияти	4 ЭКИХ	2 ЭКИХ
Бож олинмайдиган савдо дўкони фаолияти	4 ЭКИХ	2 ЭКИХ
Нодавлат таълим муассасалари фаолияти	4 ЭКИХ	2 ЭКИХ
Ёнғинга қарши автоматика воситаларини, қўриқлаш сигнализацияларини, ёнғиндан дарак берувчи ва ёнғиндан сақловчи сигнализацияларни лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш фаолияти	2 ЭКИХ	1 ЭКИХ
Ноширлик фаолияти	4 ЭКИХ	2 ЭКИХ
Улгуржи савдо	1 ЭКИХ	0,5 ЭКИХ
Автомобиль транспортда йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолияти	жисмоний шахслардан юкларни ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия олиш учун – 1 ЭКИХ; 10 тагача автотransпорт воситасидан фойдаланувчи юридик шахслардан 1 ЭКИХ, 10 та ва ундан ортиқ автотransпорт воситаларидан фойдаланувчи юридик шахслардан – 2 ЭКИХ	1 ЭКИХ



УШБУ СОНДА:

УСТУВОРЛИКЛАР

– ЎзР Президентининг «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони

– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида **1-бет**

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

– Валюталар курси **1-3-бетлар**

ЮРИДИК МАСЛАХАТЛАР

– Муассис – директор – бош бухгалтер

– Банк билан тузилган шартноманинг шартлари қандай?

– Товарларни харидорга етказиб беришга лицензия керакми?

– Қўрқманг, сизни ишдан бўшатишмайди **4-5-бетлар**

СИЗНИНГ АДВОКАТИНГИЗ

– Танишингиз қарзини қайтармаса...

– Коммунал қарзларни узиш усули **6-7-бетлар**

КАДРЛАР БЎЛИМИ

– Жамоа олдидаги жавобгарлик

– Жамоа шартномаси рўйхатдан ўтказилади? **7-бет**

БЕВОСИТА МУЛОКОТ

– Томорқада етиштирилган ҳайвонларни сотишдан солиқ тўламайсиз

– Ишчилар саёҳати харажатларидан солиқ олинмайди

– Пенсия ошга... ўртоқми? **8-бет**

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	9.11.2012	1	0,785	1	1,0008	1	0,0249
Арманистон	9.11.2012	1	408,91	1	521,11	1	12,97
Беларусь	10.11.2012	1	8550,00	1	10910,00	1	271,5
Грузия	10.11.2012	1	1,6639	1	2,1173	1	5,2829
Қозоғистон	10.11.2012	1	150,79	1	192,06	1	4,78
Қирғизистон	10.11.2012	1	47,2879	1	60,2211	1	1,5014
Латвия	12.11.2012	1	0,55	1	0,702804	1	0,0175
Литва	12.11.2012	1	2,707	1	3,4528	10	8,5835
Молдова	9.11.2012	1	12,3271	1	15,7091	1	0,3906
Тожикистон	10.11.2012	1	4,764	1	6,1544	1	0,1531
Ўзбекистон	6.11.2012	1	1960,00	1	2535,36	1	62,46
Украина	9.11.2012	100	799,3	100	1017,989	10	2,5363
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246
Россия	12.11.2012	1	31,4962	1	40,2238	-	-

ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Фаолият тури	Лицензия олишга аризани кўриб чиққанлик учун йигим	
	ўзгартиришлар киритилгунга қадар	ўзгартиришлар киритилгандан сўнг
Микрокредит ташкилотлари фаолияти	1 ЭКИХ	0,5 ЭКИХ
Ахборотнинг криптографик ҳимоя воситаларини лойиҳалаштириш, тайёрлаш, ишлаб чиқариш, реализация қилиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш фаолияти	5 ЭКИХ	2 ЭКИХ
Адвокатлик фаолияти	2 ЭКИХ	0,5 ЭКИХ
Фармацевтика фаолияти	5 ЭКИХ	2 ЭКИХ
Риэлторлик фаолияти	4 ЭКИХ	2 ЭКИХ
Аудиовизуал асарларни, фонограммалар ва ЭХМ учун яратилган дастурларни такрорлаш, сотиш, прокатга бериш, шунингдек аудиовизуал асарлар учун моддий ифодаловчилар, ЭХМ учун фонограмма ва дастурларни тайёрлаш фаолияти	5 ЭКИХ	2 ЭКИХ

Шунингдек айрим фаолият турлари бўйича дубликатни қайта расмийлаштирганлик ёхуд берганлик учун йигим суммалари пасайтирилган.

Фаолият тури	Йигим суммаси	
	ўзгартиришлар киритилгунга қадар	ўзгартиришлар киритилгандан сўнг
Аудиторлик фаолияти	1 ЭКИХ	0,5 ЭКИХ
Нефть маҳсулотларини сотиш	1 ЭКИХ	0,5 ЭКИХ
Лотереяларни ташкил қилиш	1 ЭКИХ	0,5 ЭКИХ

Аудиторлик ва баҳолаш ташкилотлари лицензияловчи органга ўз фаолияти ҳақидаги маълумотларни ҳар ярим йилда эмас, балки 1 йилда бир марта тақдим этадилар:

биржа фаолиятини амалга ошириш бўйича, биржа савдоси қоидаларида биржа савдоларига қўйиладиган биржа аъзоларида Давлат мулки кўмитаси томонидан берилладиган (фонд биржалари ва бошқа биржаларнинг фонд бўлимлари бундан мустасно) биржа савдоси профессионал иштирокчиларининг аттестати бўлиши шартлиги ҳақидаги қондан кўрсатиб ўтиш талаби бекор қилинди.

СОЛИҚЛАР ВА БОШҚА ЙИГИМЛАР

Юридик шахслар, мулкчилик шаклларида қатъи назар, давлат солиқ хизмати органларига ёлланиб ишловчиларга меҳнатга ҳақ тўлаш тарзида ҳисоблаб ёзилган ва ҳақиқатда тўланган тўловлар ҳамда бошқа даромадлар, шунингдек ушбу даромадлардан олинган солиқ суммалари ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш мажбуриятидан озод қилинган. Буни бир йилда бир марта амалга ошириш мумкин.

МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ

Шунингдек Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги, мулкчилик шаклларида қатъи назар, юридик шахслардан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ушбу юридик шахслар билан тузилган меҳнат шартнома (контракт)лари бўйича меҳнат фаолиятини амалга оширувчи хорижий фуқаролар тўғрисида маълумотларни йилига кўпи билан бир марта сўрашга ҳақли.

СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ

Қуйидагиларни ўтказиш харажатларини қоплаш учун ундириладиган тўловлар камайтирилди:

илгари сертификатланмаган (синалмаган) махсус қўлланиладиган биологик актив моддалар ёки озик-овқат хом ашёси ва озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияларининг озик-овқат қўшимчалари қўллаш билан боғлиқ ишлаб чиқаришни ташкил этишда ёки маҳсулотларни четдан келтиришда лаборатория синовларини – **ЭКИХнинг 3 бараваридан** ошмаслиги керак (бундан олдин – **ЭКИХнинг 5 бараваридан**); ўз фаолиятини қишлоқ жойларда амалга ошираётган тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни синовдан ўтказишда тўлов – **ЭКИХнинг 1 бараваридан ошмаслиги керак** (бундан олдин – **ЭКИХнинг 3 бараваридан**).

Гигиеник сертификатни бериш бўйича ишларга худди шундай тартибда тўлов тўланади.

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ

Якка тартибдаги тадбиркорни ТИФ иштирокчиси сифатида рўйхатдан ўтказганлик учун йигим **1 ЭКИХдан 0,5 ЭКИХгача** қисқартирилди.

ОАВ

Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситалари давлат рўйхатидан ўтказилганлик учун давлат божи ставкалари 2 баравар камайтирилди.

Хусусан:

Оммавий ахборот воситаси тури	Давлат божи ставкаси	
	ўзгартиришлар киритилгунга қадар	ўзгартиришлар киритилгандан сўнг
Даврий босма нашрлар (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар, альманахлар ва бошқалар)	ЭКИХнинг 25 баравари	ЭКИХнинг 12,5 баравари
Теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастурлар, ахборот агентликлари	ЭКИХнинг 30 баравари	ЭКИХнинг 15 баравари
Маҳсулотлари Интернет глобал тармоғи орқали тарқатиладиган оммавий ахборот воситалари (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар, альманахлар, теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастурлар ва бошқалар)	ЭКИХнинг 1 баравари	ЭКИХнинг 0,5 баравари
Асосан болалар, ўсмирлар, ногиронлар учун мўлжалланган, шунингдек таълим ва маданий-маърифий йўналишдаги оммавий ахборот воситалари (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар, альманахлар, теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастурлар ва бошқалар)	ЭКИХнинг 5 баравари	ЭКИХнинг 2,5 баравари
Реклама хусусиятига эга бўлган оммавий ахборот воситалари (рекламага ихтисослашган газеталар, журналлар, буклетлар, теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастурлар ва бошқалар)	ЭКИХнинг 50 баравари	ЭКИХнинг 25 баравари


Оммавий ахборот воситаси тури	Давлат божи ставкаси	
	ўзгартиришлар киритилгунга қадар	ўзгартиришлар киритилгандан сўнг
Оммавий ахборот воситаларининг бошқа турлари (электрон тарзда тарқатиладиган оммавий ахборот воситалари маҳсулотлари ва бошқалар)	ЭКИХнинг 25 баравари	ЭКИХнинг 12,5 баравари

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ УСТУВОРЛИКЛАР

Адлия вазирининг буйруғи (АВ томонидан 29.10.2012 йилда 1905-3-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Киритилган ўзгартиришларга биноан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нафақат Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, балки қонунчилигига, мамлакатда ўтказилаётган ислохотлар мақсадлари ва вазифаларига, шунингдек қонунчилик техникасига мувофиқ бўлиши шарт.

Қоидалар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга доир қўшимча талаблар билан тўлдирилди. Уларга:



коррупциянинг юзага келиши, давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимида бошқа ҳуқуқ бузилишларининг содир этилиши учун шарт-шароитлар яратувчи;

тадбиркорлик субъектлари учун ортиқча маъмурий ва бошқа чеклашларни киритувчи ва тадбиркорлик субъектларининг асосланмаган харажатлари юзага келишига олиб келувчи қоидалар ва нормалар киритилиши тақиқланади.

Бундан ташқари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ёки унинг тузилмавий бирлигининг амал қилиши тўхтатиб турилиши (тикланиши) тартиби ва муддатларига тўхтатиш киритилган.

2012 йил 8 ноябрдан кучга кирди.

КИЧИК КОРХОНАЛАР УЧУН 2-А-ШАКЛ БЕКОР ҚИЛИНДИ

Давлат солиқ кўмитаси қарорига кўра давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик субъектларидан молиявий ҳисобот, солиқлар, мажбурий тўловлар ва даромадлар тўғрисидаги декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар, ёзма аризалар ва билдиришномалар қабул қилиб олиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритилди (Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 9 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1500-2).

Киритилган ўзгартиришга мувофиқ микрофирма ва кичик корхоналар томонидан ҳар ҳисобот йили бўйича ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 февралдан кечикмасдан давлат солиқ хизмати органларига топшириладиган бухгалтерия балансидан иборат молиявий ҳисобот – 1-шакл, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот – 2-шакл ҳамда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотнома – 2-а-шакл ўрнига, эндиликда фақат молиявий ҳисобот – 1-шакл ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот – 2-шакл тақдим этиладиган бўлди.

Тақим этилган ҳужжатларга қисқа шарҳларни таҳририят экспертлари тайёрладилар.

6 йилдан ошибдики пенсионерман, бироқ ҳозиргача ишляпман. Ҳозирги вақтда буюртмачилар билан шартномалар бўйича турли хизматлар кўрсатувчи хусусий корхонанинг мулкдори ва раҳбариман. Мазкур корхонани 2004 йилда ташкил этганман. Бунда бош бухгалтер вазибаларини ўз зиммамга олиб, корхонанинг бухгалтерия ҳисобини юритяпман.

«Норма маслаҳатчи»нинг 15.03.2010 йилдаги 11 (244)-сонида босилган «Ўзимга ўзим иш бераман» мақоласини қизиқиш билан ўқиб чиқдим.

Ушбу мақоладан тушунишимча, хусусий корхона мулкдори ва раҳбарининг ўзи билан ўзи меҳнат шартномаси тузиши ҳамда ўзига иш ҳақи тўлаши шарт эмас экан. Иш ҳақини ҳар чорақда барча тегишли солиқлар ва ажратмалар тўланганидан кейин корхона фойдаси сифатида олиш мумкин экан.

Шу муносабат билан солиқ органлари даъво қилмасликлари ва амалдаги қонун ҳужжатларини бузмаслик учун менинг ҳаракатларим бобида маслаҳат берсангиз.

Биринчидан, мен ўзим билан ўзим меҳнат шартномаси тузмайман.

Иккинчидан, ўз лавозимимни хусусий корхонанинг штат рўйхатига киритмайман. Асосан молиявий масалалар билан шуғулланишим сабабли, штат рўйхатида директор ўринбосари назарда тутилган, у шартномалар бўйича ишлар бажарилиши ва хизматлар кўрсатилишига раҳбарлик қилиш билан шуғулланади.

Учинчидан, ўзимга табель ҳисобини юритмайман ва ўзимга иш ҳақи ҳисоблаб ёзмайман. Чорақ тугаганидан ҳамда барча тегишли солиқлар ва ажратмалар тўланганидан кейин корхонанинг қолган фойдасини олишим тўғрисида буйруқ чиқараман.

Хурмат билан ХК раҳбари.

Хусусий корхона – Ўзбекистонда махсус Қонун билан жорий этилган, тадбиркорлик субъектининг алоҳида ташкилий-ҳуқуқий шакли бўлиб, ундан тадбиркорликда тижорий юридик шахсларнинг фуқаролик қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган бошқа шакллари билан бир қаторда фойдаланилади («Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонун, бундан кейин – Қонун).

Ушбу шаклнинг фарқловчи хусусияти шундан иборатки, бундай ташкилотнинг ягона мулкдори нафақат устав капиталини шакллантириши, балки ушбу корхонада унинг раҳбари сифатида ишлаши ҳам шарт (Меҳнат кодекси (МК) 15-моддасининг 2-банди; Қонуннинг 14-моддаси). Моҳиятига кўра, ушбу ташкилий-ҳуқуқий шаклда бошқа тадбиркорлик субъектлари шаклланининг элементлари бор: меҳнатда иштирок этишининг мажбурийлиги бўйича ширкат, шунингдек оилавий корхона билан, муассислар сони ва улар ҳуқуқларининг ҳажми бўйича унитар корхона билан ўхшашлиги белгиланади. Шу сабабли айни ушбу тадбиркорлик субъектлари билан умумий хусусиятларни излаш керак. Умуман олганда мазкур фаолиятда ижтимоий муносабатларнинг 2 тури юзага келади – тадбиркорлик қисмида хўжалик қонунчилиги билан тартибга солинадиган фуқаролик муносабатлари ва республиканинг меҳнат қонунчилиги билан тартибга солинадиган меҳнат муносабатлари.

Ўз навбатида меҳнат муносабатларида иш берувчиларнинг 2 хили фарқланади – уларнинг раҳбарлари тимсолида юридик шахслар (корхоналар ва уларнинг алоҳида бўлинмалари) ва ёлланма меҳнатдан уй хўжалигида фойдаланилган ҳолларда – 18 ёшга тўлган жисмоний шахслар (МКнинг 15-моддаси).

Хусусий корхона – мазкур ҳолда иш берувчи ролида чиқаётган юридик шахсда меҳнат муносабатлари штат рўйхати, меҳнат шартномалари, буйруқлар, лавозим йўриқномалари, ходимларнинг меҳнат дафтарчаларидаги тегишли

МУАССИС-ДИРЕКТОР-БОШ БУХГАЛТЕР

ёзувлар билан расмийлаштирилиши керак. Ушбу қоидалар барча меҳнат қоидалари: иш ҳақи ҳам, меҳнат таътилига бўлган ҳуқуқ ҳам, ижтимоий таъминотга доир ҳуқуқ ҳам назарда тутилиши керак бўлган раҳбарга ҳам татбиқ этилади. Штат рўйхатини хусусий корхона мулкдорининг ўзи шакллантириши боис, у корхонанинг нормал фаолияти учун, шу жумладан бир неча касбда ишлаш шартларида, зарур бўлган лавозимларни белгилашга ҳақлидир. Раҳбар сифатида у бухгалтерия ҳисобини мустақил юритишга («Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун 7-моддаси иккинчи қисмининг тўртинчи хатбоҳисини), ишлаб чиқариш, хўжалик шартномалари ишига раҳбарликни ўринбосарларга юклаб, ушбу мажбуриятларни буйруқ ва зарур ҳолларда ишончнома билан расмийлаштиришга ҳақлидир. Корхонани бошқаришга доир ўзининг барча мажбуриятларини эса раҳбар фақат вақтинча бўлмаган даврида ўринбосарларига бериши мумкин.

Шу тариқа, расман, гарчи мантиққа

зид бўлса ҳам, раҳбар билан меҳнат шартномаси юридик шахс – иш берувчи номидан ва ходим номидан биргина шахс томонидан тегишли тарзда расмийлаштирилиши ва имзоланиши керак, чунки у раҳбарни тайинлаш тўғрисида буйруқ чиқариш учун асос ҳисобланади (МК 82-моддасининг биринчи ва тўртинчи қисмлари). Тўғри солиқ солиш мақсадида раҳбарнинг иш ҳақи ҳам қонун ҳужжатлари билан белгиланганидан кам бўлмаган миқдорда белгиланиши керак (Қонуннинг 19-моддаси).

Саволнинг сиз яширган жиҳати ҳам тушунарли: сиз пенсионерсиз ва корхона раҳбари саналган ҳолда ўзининг ишловчилар жумласига киритишни хоҳламайсиз. Зеро ушбу ҳолда пенсияни 100% ололмайсиз, чунки сиз ишляпсиз ва бундан ўзининг яшайдиган жойдаги пенсия ташкилоти органини хабардор қилишининг шарт эди (Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг² 27, 28-бандлари, бундан кейин – Низом). Агар ушбу вақтгача ишлаётганингиз далили белгилан-



маган бўлса, пенсияни тайинлаган органлар сиз мазкур Низомни бузган ҳолда олган пенсия суммаларини ушлаб қолишга ҳақлидир.

Хусусий корхонанинг бутун фойдасини ўзининг иш ҳақи сифатида белгилаш ҳам керак эмас, чунки у иш ҳақи фондида акс эттирилиши керак, ана шу суммадан барча мажбурий бадаллар ва даромад солиғи тўланиши лозим. Хусусий корхонанинг барча солиқлар ва мажбурий тўловлар тўланганидан кейин қолган фойдаси – иш ҳақи эмас, балки кор-

хона мулкдорининг мулкий даромадидир, уни ўз хоҳишига кўра тасарруф этиши мумкин (Қонуннинг 15-моддаси). Жисмоний шахс бўлган муассис учун мазкур фойдага солиқ солинмайди (Солиқ кодекси 179-моддасининг 6-банди).

Агар мазкур масалага доир юристларнинг фикрларини кўриб чиқсак, улар бир хил бўлмайди, чунки қачонлардир меҳнат муносабатлари ривожланган Рим ҳуқуқининг умумий қоидалари билан тартибга солинган, унинг меъёрларига фуқаролик қонун ҳужжатларига асос бўлган. Меҳнатга бир киши томонидан бошқа кишига таклиф этиладиган ҳар қандай бошқа товар сифатида қаралган. Меҳнат шартномаси ва олди-сотди шарномасининг бундай ўхшашлиги сабаби ҳам шунда. Ҳақиқатан ҳам, Фуқаролик кодексининг 129-моддасига биноан мулкдор ўзига ўзи товар бериши, иш бажариши ёки хизмат кўрсатиши, яъни ўзининг фойдасига ҳамда ўз манфаатларини кўзлаб мулк тусда бирор-бир ҳаракатлар содир этиши мумкин эмас.

Шундай бўлса-да, кейинроқ фуқаролик ҳуқуқидан меҳнат муносабатларини тартибга солинадиган мустақил соҳа ажралиб чиқди, бунга мазкур шартнома предмети ўзига хос бўлганлиги сабабидир – кишининг меҳнатга қобилияти, шартноманинг ўзи ҳам нафақат ушбу меҳнат натижасини олиш, балки у ёки бу ишни бажариш жараёнини назорат қилиш имконини ҳам берган. Шу сабабли ҳозирда меҳнат қонунчилиги мавжудлигида фуқаролик қонунчилигининг битимлар ва фуқаролик шартномалари тўғрисидаги меъёрларини бевосита меҳнат шартномасига нисбатан қўллаб бўлмайди.

Мазкур масала ёритилган қуйидаги материалларни ҳам кўриб чиқинг:

«Пенсионер оилавий корхона аъзоси бўлса», Р.Солодовникова. «Норма маслаҳатчи»нинг 16.10.2012 йилдаги 41 (378)-сони;

«Ишни ҳам, пенсияни ҳам сақлаб қолмоқчиман», М.Тухтарова. «Норма маслаҳатчи»нинг 8.11.2011 йилдаги 45 (330)-сони;

«Хусусий корхона директори ўзига иш ҳақи тўламан», М.Тухтарова. «Норма маслаҳатчи»нинг 12.04.2011 йилдаги 14 (299)-сони.

Римма СОЛОДОВНИКОВА,
эксперт-юристимиз.

Таҳририятдан. Хусусий корхона муассиси ўзи билан ўзи тузадиган меҳнат шартномасининг маънисизлиги, бир тарафдан, ва унинг ўзи, албатта, қонун талабига кўра ушбу корхонанинг раҳбари эканлиги, бошқа тарафдан, айрим юристлар кулгили вазиятдан қочишга уринишига олиб келади.

Масалан, шундай нуқтаи назар бор: МКнинг 15-моддасида хусусий корхонанинг мулкдори бир вақтнинг ўзида унинг раҳбари ҳисобланиши тўғридан-тўғри кўрсатилганлиги сабабли, ушбу фавқулодда ҳолда у шартномага эмас, балки қонунга асосан директорга айланади. Кулгили вазиятни туғдирадиган, ўз-ўзи билан имзоланадиган ҳеч қандай битимлар тузиш ноўрин. МКнинг 15-моддасига асосан буйруқ чиқариб, унда директор меҳнатининг барча шартларини белгилаш керак. Кадрлар бўйича ходим ва бухгалтер учун шунинг ўзи етарли бўлади.

Афсуски, ушбу мантикий нуқтаи назар МКнинг бошқа моддаси билан бартараф қилинади. МК 82-моддасининг биринчи ва тўртинчи қисмларида кўринишича, ишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқариш учун фақат меҳнат шартномаси асос ҳисобланади ва буйруқ тузилган шартноманинг мазмунига тўлиқ мувофиқликда чиқарилади. Шу сабабли мақола муаллифининг тавсияларига амал қилиш қанчалик кулгили кўринмасин, меҳнат шартномасини расмийлаштириш тўғри бўлади деб ҳисоблаймиз.

¹ВМнинг 21.07.2009 йилдаги 206-сон қарорига 1-илова.

²МВ, ИИВ, Мудофаа вазирлиги, ФВВ, МХХ ва ДБКнинг АВ томонидан 30.04.2011 йилда 2222-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

БАНК БИЛАН ТУЗИЛГАН ШАРТНОМАНИНГ ШАРТЛАРИ ҚАНДАЙ?

Микрофирма ижарага олиш тугатилганлиги туфайли фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди. Директордан ташқари барча ходимлар ишдан бўшатилади. Чоракда бир марта, тегишли низомга кўра, ҳисоботларни топшириш учун бир ходимга энг кам иш ҳақи ва, тегишинча, солиқлар: ЯИТ, даромад солиғи, ижтимоий суғурта, ШЖБПХ бадаллари ҳисоблаб ёзилади.

Фирманинг ҳисоб-китоб рақами тижорат банки филиалларидан бирининг минибанкида қайд этилган. Молиявий фаолиятининг тугатилиши муносабати билан фирма тижорат банки филиали ва унинг минибанки раҳбариятига ойига 50 000 сўмни ташкил этадиган абонентлик тўловисиз фақат бир марталик кўрсатиладиган хизматларга ҳақ ундириш-сўраб бир неча марта ёзма равишда мурожаат қилди. Барча мурожаатлар жавобсиз қолди. Аввалига минибанк фирманинг ҳисоб-китоб рақамидан фақат «ҳаракат» бўлган ойлар учун абонентлик тўловини мемориал ордерлар орқали ҳисобдан чиқарди, яъни январь, апрель учун солиқлар тўланди. Бироқ жорий йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб минибанк фирманинг ҳисоб-китоб рақамидан ҳар ойда, ҳатто мемориал ордерлар ва кўчирмаларни тақдим этмасдан, абонентлик тўловини ҳисобдан чиқара бошлади.

Минибанкнинг бош бухгалтери ва бошқарувчисига мурожаат қилдик. Олинган оғзаки жавобга кўра банк ҳар ойда, ҳисоб-китоб рақамидан пул маблағлари мавжуд бўлганда, абонентлик тўловини ҳисобдан чиқариш ниятида.

Фирма «ҳаракатсиз» бўлганда абонентлик тўловини ундириш тартибини тушунтириб берсангиз. Минибанк раҳбарияти тўғри иш қиляптими, мазкур вазиятда нима қилиш керак?

Ҳар ойда 50 000 сўм миқдоридagi абонентлик тўлови «шунчаки» ушлаб қолинса, фирманинг ҳисоб-китоб рақамидан солиқларни тўлашга пул қолмайди деб ташвишланяпмиз.

Фирмани ёпишга тайёрлана бошладик.

Хурмат билан фирма директори.

Мазкур ҳолда банкнинг қанчалик ҳақлилиги сизнинг фирмангиз билан тузилган ҳисоб-китоб-касса хизмати кўрсатиш шартномасининг шартларига боғлиқдир.

Фуқаролик кодекси (ФК) 780-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ мижоз банкнинг ҳисоб-варақда турган пул маблағлари билан операция қилиш хизматларига банк ҳисобварағи шартномасида назарда тутилган шартлар асосида ҳақ тўлайди.

Банклар томонидан амалиётда қўлланадиган ҳисоб-китоб-касса хизмати кўрсатиш шартномалари стандарт шакллари билан банк хизматларига ҳақ тўлашни назарда тутадиган бўлимига одатда банк бошқаруви томонидан тегишли санага тасдиқланган тарифларга ҳавола қилувчи бланкет меъёри киритилади.

ФК 780-моддасининг иккинчи қисмига кўра банкнинг хизматлари учун ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳақ, агар банк ҳисобварағи шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, банк томонидан ҳар ойнинг охирида мижознинг ҳисобвара-

ғида турган пул маблағларидан ундириб олинади.

Шу тариқа, аввало сиз банк билан тузилган ҳисоб-китоб-касса хизмати кўрсатиш шартномасини диққат билан ўрганиб чиқишингиз ва унинг шартларини банкнинг амалдаги ҳаракатлари билан таққослашингиз керак. Банк пул маблағларини шартнома шартларини бузган ҳолда ҳисобдан чиқарганда сиз ФКнинг 785-моддасига, Ҳисобварақлар очиш, мижозлар ҳисобварақларига маблағ ўтказиш ва ҳисобдан чиқариш, иш ҳақи ва қонунларда назарда тутилган бошқа эҳтиёжлар учун нақд пул бериш тартиби бўйича белгиланган талабларни бузганлик учун тижорат банкларига нисбатан жарима жазо чораларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомнинг (МБнинг АВ томонидан 30.06.2001 йилда 1044-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган) 6-бандига мувофиқ банкка уларни қайтариш ва жарима санкцияларини тўлаш тўғрисида эътирознома юборишга ҳақлисиз.

ТОВАРЛАРНИ ХАРИДОРГА ЕТКАЗИБ БЕРИШГА ЛИЦЕНЗИЯ КЕРАКМИ?

Корхона улгуржи савдо билан шугулланади. Тузилдиган шартномаларнинг шартларидан бири товарларни харидорларга (мижозларга) етказиб беришдан иборат. Корхона ўз балансида ташиш учун 2 автомашинага эга.

Корхона транспортда ташиш сингари хизмат турига лицензия олиши керакми?

Директор.

– Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг (ВМнинг 14.07.2006 йилдаги 138-сон қарорига 1-илова) 2-бандига биноан тижорат асосида амалга ошириладиган йўловчиларни ҳамда

юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолияти лицензиялаши керак.

Агар етказиб бериш тадбиркорлик фаолиятининг мустақил тури сифатида амалга оширилмаса ва унинг учун алоҳида ҳақ олинмаса, у лицензияланмайди.

Жавобларни «Норма» эксперт юридик хизмати «Корхона юристи» электрон маълумотнома тизимининг тушунтириш материаллари асосида тайёрлади.

Мени синов муддати билан ишга қабул қилишди. Бироқ ҳозирги пайтда синов муддатидан ўтмаганлигим муносабати билан мени ишдан бўшатишмоқчи. Бироқ мен ҳомиладорман, эшитишимча, ҳомиладорларни ишдан бўшатиб бўлмас экан. Шу тўғрими?

Галина.

ҚЎРҚМАНГ, СИЗНИ ИШДАН БЎШАТИШМАЙДИ

– Меҳнат кодексининг (МК) 237-моддасига кўра ҳомиладор аёллар ва 3 ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди, корхонанинг бутунлай тугатилиш ҳоллари бундан мустасно, бундай ҳолларда меҳнат шартномаси уларни албатта ишга жойлаштириш шarti билан



бекор қилинади. Мазкур аёлларни ишга жойлаштиришни маҳаллий меҳнат органи уларни ишга жойлаштириш даврида қонун ҳужжатларида белгиланган тегишли ижтимоий тўловлар билан таъминлаган ҳолда амалга оширади.

Юқориди кўрсатилган меъёр ҳомиладор аёллар ва 3 ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишни, яна қайд этиб ўтамиз, иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишни деярли тўлиқ тақиқлайди.

Эслатиб ўтамиз, МКнинг 84-моддасига мувофиқ ҳомиладор аёллар, 3 ёшга тўлмаган боласи бор аёллар, корхона учун белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга юборилган шахслар ишга қабул қилинганда, шунингдек 6 ойгача муддатга ишга қабул қилиш ҳақида ходимлар билан меҳнат шартномаси тузилганда дастлабки синов белгиланмайди. Шу сабабли, агар ҳомиладор аёл ёки 3 ёшга тўлмаган боласи (болалари) бор аёл билан тузилган меҳнат шартномасида дастлабки синов шarti белгиланган бўлса, ҳатто у аёлнинг ўз розилиги билан белгиланган тақдирда ҳам, бу шарт юридик кучга эга бўлмайди. Бу ҳолат МКнинг 5-моддасидан келиб чиқади, унда кўрсатилишича, меҳнат ҳақидаги келишувлар ва шартномаларнинг ходимлар аҳволини қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилганига қараганда ёмонлаштирадиган шартлари ҳақиқий эмас.

Агар аёл дастлабки синовдан ўтиш даврида ҳомиладор бўлиб қолган бўлса, синов шартини бекор қилиш керак. Ҳар қандай ҳолда бу шарт, ҳатто бекор қилинмаган бўлса ҳам, ўз кучини ўз-ўзидан йўқотади.

Ҳомиладор аёл билан меҳнат шартномасини синов қониқарсиз натижа берганда иш берувчининг ташаббусига кўра, ҳатто аёл ишга қабул қилинганидан кейин ҳомиладор бўлганда ҳам, бекор қилиш мумкин эмас.

Шу сабабли агар сиз ҳомиладор бўлсангиз ёки 3 ёшга тўлмаган болангиз бор бўлса, ҳатто синов натижаси қониқарсиз бўлган ҳолда ҳам, сиз билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиб бўлмайди (корхона тўлиқ тугатилган ҳоллардан ташқари).

Ахтам ҲИКМАТОВ,
адвокат.

Реклама

“AMIR-AUDIT” МЧЖ
аудиторлик ташкилоти
28.03.2008 йилдаги 00642-сон лицензия,
ЎЗР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сон гувоҳномаси.

Ўзбекистон Республикасидаги барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувлари ўтказиш

Малака сертификатли аудиторларни ишга қабул қиламиз

Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш

Тел.: (+99899) 187-04-68, (+99899) 644-62-23, 296-55-78; факс (9371) 296-52-15

ТАНИШИНГИЗ ҚАРЗИНИ ҚАЙТАРМАСА...

Мен танишимга 2 000 000 сўмни қарзга бердим, бироқ у қарзни қайтармаяпти, ҳар гал пули йўқлигини рўқач қилади. Нима қилиш керак? Менда тилхат бор, бироқ у нотариал тарзда расмийлаштирилмаган, гувоҳлар эса йўқ.

Семён.

– Бундай саволлар кўп берилади.

Баъзи қарздорлар объектив сабаблар туфайли кредиторлар билан ўз вақтида ҳисоблаша олмайдилар, бошқалари қарзни қайтариш муддатини атайин чўзадилар, яна бир хиллари эса қарзларини тўлашни хаёлга ҳам келтирмасдан, кредиторлардан яширинадилар, кўнғироқ ва хатларга жавоб бермайдилар.

Агар сиз қарздан кечиниши ўйламасангиз, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судга қарз шартномаси бўйича қарзни ундириш тўғрисидаги даъво аризаси билан мурожаат қилинг.

Бунда шуни билишингиз керакки, Фуқаролик кодексининг (ФК) 733-моддасига кўра **фуқаролар ўртасида қарз шартномаси, агар бу қарзнинг суммаси энг кам иш ҳақининг 10 бараваридан ортиқ бўлса, оддий ёзма шаклда тузилиши шарт.**

Агар қарз олувчининг тилхати ёки унга қарз берувчи томонидан муайян сумма ёки муайян миқдордаги ашёлар

топширилганлигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжат мавжуд бўлса, қарз шартномаси ёзма шаклда тузилган ҳисобланади.

Битимнинг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди, бироқ низо чиққан тақдирда тарафларни битимнинг тузилганлигини, мазмунини ёки бажарилганлигини гувоҳларнинг кўрсатувлари билан тасдиқлаш ҳуқуқидан маҳрум қилади (ФК 109-моддасининг биринчи қисми).

Жисмоний шахслар ўртасида қарз шартномалари тузилганда қонун ҳужжатларида мажбурий нотариал шакл белгиланмаган. Бундай битимни нотариус тарафларнинг хоҳишига кўра тасдиқлаши мумкин.

Шу сабабли сизнинг ҳолатингизда **битимни нотариал тасдиқлаш шарт эмас.** Гувоҳлар тўғрисида ҳам ташвишланманг. Тилхат етарли бўлади.

Қарз олувчи олинган қарз суммасини қарз шартномасида назарда тутилган муддатда

ва тартибда қарз берувчига қайтариши шарт.

Агар қарз суммасини қайтариш муддати шартномада белгиланмаган бўлса, қарз олувчи уни қарз берувчи қарзни қайтариш ҳақида талаб қўйган кундан бошлаб 30 кун мобайнида қайтариши керак.

Сиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга қарз олувчига нисбатан жиноят ишини кўзга тўғрисида ариза билан мурожаат қила оласиз. Зеро агар унинг ҳаракатларида жиноят таркиби бўлса, бундай жавобгарлик энди фуқаролик қонунчилигининг эмас, балки жиноят қонунчилигининг меъёрларида назарда тутилган.


Олий суд Пленумининг «Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида» қарори (24.07.2009 йилдаги 8-сон) 8-бандига биноан, агар шахс ўзганинг мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни мазкур мулк ёки ҳуқуқ унга берилиши шарт билан боғлиқ мажбуриятларни бажармаслик ниятида олган ёки эгаллаган бўлса, қилмиш айбдорда ўзганинг мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни қўлга киритишга нисбатан қасд фақат ўзганинг мулки ёки унга бўлган ҳуқуқ қўлга киритилгунга қадар пайдо бўлган ҳолдагина фирибгарлик сифатида квалификация қилиниши лозим. Ўзганинг мулкни талон-

торож қилишга қаратилган қасд мавжудлиги тўғрисида, жумладан, айбдор томонидан сохта ҳужжат ёки кафолат хатларидан фойдаланиш, қарз мавжудлиги ёки мулк гаров остидалиги тўғрисидаги маълумотни яшириш, битимда тарафлардан бири сифатида иштирок этиши учун сохта корхона (ташкilot) тузилиши, кредит маблағларидан мақсадга зид фойдаланиш ёхуд уларни нақдлаштириш кабилар гувоҳлик бериши мумкин. Қайд этилган ҳолатлар суд шахснинг фирибгарлик содир этишда айбдорлиги тўғрисида олдиндан хулосага келиши учун ўз-ўзидан асос бўлмайди, шу туфайли, шахснинг ўз мажбуриятларини била туриб бажариш нияти бўлмаганлиги ҳар бир муайян ҳолда ишнинг барча ҳолатларидан келиб чиқиб аниқланиши шарт.

Агар айбдорда ўзганинг мулкни қўлга киритишга нисбатан қасд мулк олингандан кейин пайдо бўлган бўлса, қилмиш ўзганинг мулкни ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш сифатида квалификация қилиниши лозим.

Яъни қарздорингиз унга қарзга берилган пулларни ўзлаштиришга қарор қилганлиги исботланса, уни жиний жавобгарликка тортиш мумкин.

Баъзи қарз берувчилар (қарзга



пул берган шахслар) бундай вазиятга тушганларида камхарж йўлдан боришга интиладилар: улар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат қиладилар, чунки қарзни ундириш даъвоси билан судга мурожаат қилиш учун давлат божини тўлашга тўғри келади. Воқеа ва жиноятлар тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат қилинганда эса ҳеч нима тўлаш керак эмас. Бироқ шуни англаш муҳимки, қарз берувчи билан қарз олувчи ўртада юзага келадиган низоли масалаларнинг кўпчилиги фуқаролик ҳуқуқи муносабатлари соҳасига киради, уларни ҳал этиш суднинг ваколат доирасига киритилган. Шу сабабли агар қарз олувчининг ҳаракатларида жиноят таркиби йўқ бўлса, жиноят ишини кўзга ташвиш рад этилади, аризага эса кўрсатилган масалаларни фуқаролик суди ишини юритиш тартибида ҳал этиш учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилади.

Ахтам ҲИКМАТОВ,
адвокат.

Реклама

Кичик корхона раҳбарлари, бухгалтерлари эътиборига!

«Norma» компанияси ўзбек тилида

«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ» қўлланмасини тақдим этади!

Қўлланмада:

- кичик бизнесни юритишга доир барча қонун ҳужжатлари;
 - солиқ ва бухгалтерия масалалари билан боғлиқ вазиятлар таҳлили;
 - тушунтиришлар масалалар ечими билан берилган.
- Электрон қўлланма қонунчиликдаги ўзгаришларга мос равишда мунтазам янгилаб борилади.

Қўлланма муаллифлари билан **283-36-34** телефон рақами орқали боғланиш мумкин.

Харид қилиш масалалари бўйича **Тошкент шаҳар, Миробод тумани,**

Таллимаржон кўчаси, 1/1;

e-mail: info@norma.uz, web: www.norma.uz манзилларига мурожаат қилинг.

Тел./факс: (99871) 200-00-90.

Эълонлар

ТАКЛИФ

«PRECIOUS WHITE STONE» фирмаси асортиментда арматура, уголокларни таклиф этади. Нархи – келишув асосида. Тел. (+998 90) 345-53-71.

СОТИЛАДИ

Совуткич камера 3600 м³. 1 йилда ўзини оқлайди (850 000)*. Тел.: 926-32-23.

ИШ

Кейинчалик ШЭХМга киритиш мақсадида ҳужжатларни шакллантириш (матн териш талаб этилмайди) учун 22-35 ёшлардаги ходима ишга таклиф этилади.

Иш ҳақи 500 минг сўмдан юқори.

Резюмеги жўнатиш учун e-mail: interline@list.ru. Батафсил маълумотлар www.interline.uz сайтида. Тел. 372-96-80 (Ирина).

22-35 ёшлардаги, DELPHI ни биладиган дастурчи ходима керак. Иш ҳақи 500 минг сўмдан юқори.

Резюмеги жўнатиш учун e-mail: interline@list.ru. Батафсил маълумотлар www.interline.uz сайтида. Тел. 372-96-80 (Ирина).

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*. Тел. (+99890) 346-16-89.

Хўжалик масалалари бўйича адвокат. МЧЖ, ХКларни рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш*. Тел.: 385-74-02, 322-37-99.

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*. Тел.: 281-52-39, (+99890) 346-16-89.

ХИЗМАТЛАР

Инвентаризация. Бухгалтерия ҳисоби. Кузатув. Таъсисчилар. Кўчмас мулк. Очиш.Тугатиш. Тел. 806-28-46; факс 278-11-66. E-mail: 49koshelev@mail.ru

Дарвозалар, тўсиқлар, панжараларни жимжмадор қилиб ясаш. Арзон. www.golden-kovka.uz. Тел. (+998 90) 955-68-02.

Компьютерлар, ноутбукларни таъмирлаш. Дастурий таъминот ва антивирус ўрнатиш. Жойига чиқиш билан. Тўлов – исталган шаклда. Тел.: (+998 94) 620-25-05, 276-99-38.

Сервис маркази. Принтерлар, компьютерлар, мониторларни таъмирлаш, картрижларни тўлдириш. Жойига чиқиш билан. Тел. 996-77-87.

Картрижларни тўлдириш. Жойига чиқиш билан. Тел.: 127-15-28, 914-67-79.

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тел.: 233-74-95, 233-17-56, 236-76-46.

*Хизматлар лицензияланган. Товар сертификатланган.

Сизнинг адвокатингиз

КОММУНАЛ ҚАРЗЛАРНИ УЗИШ УСУЛИ

Корхона директори ходимнинг иш ҳақидан унга кўрсатилган коммунал хизматлар ҳақини тўлаш-га суммаларни ушлаб қолиш тўғрисида буйруқ чиқариш ҳуқуқига эгами?

Амир.

– Иш ҳақидан коммунал хизматларга ҳақ тўлаш учун суммалар мажбуран ушлаб қолиниши хусусида маслаҳат сўраб ходимлар тез-тез мурожаат қилдилар.

Корхона ўз ходимининг хоҳишига кўра унинг ёзма аризасига асосан унинг иш ҳақидан ушлаб қолиш йўли билан коммунал хизматлар (иситиш, иссиқ ва совуқ сув таъминоти, канализация, газ, электр энергияси) учун ҳақ тўлашни ўз зиммасига олиши мумкин. Бироқ ҳеч ким ходимларни уларнинг иш ҳақидан коммунал хизматлар учун ушлаб қолиш тўғрисида ариза ёзишга мажбур қила олмайди. Мазкур аризани **фақат ходимнинг хоҳишига кўра** ёзиш мумкин.

Меҳнат кодексининг (МК) 164-моддасига мувофиқ умумий қоидага кўра, ходимнинг ёзма розилиги билан бундай розилик бўлмаган тақдирда эса, – суднинг қарорига асосан меҳнат ҳақидан ушлаб қолиниши мумкин.

МК 164-моддасининг иккинчи қисмида **ходимнинг розилигидан қатъи назар** меҳнат ҳақидан ушлаб қолишлар рўйхати келтирилган, бироқ **ушбу ушланмалар орасида коммунал хизматларга ҳақ тўлаш назарда тутилмаган.**

Ташкилотлар ва муассасалар томонидан ўз ходимларидан коммунал хизматлар учун ҳақни иш ҳақидан ушлаб қолиш кўринишида қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг¹ 2-бандига мувофиқ корхона ўз ходимларидан коммунал хизматлар учун тўловни белгиланган тартибда иш ҳақидан ушланма кўринишида қабул қилиб, кейин **ходимларнинг ёзма аризаси асосида** коммунал хизматлар кўрсатадиган корхоналар ва ташкилотлар ҳисобварағига ушбу маблағларни ўтказилади.

Кўрсатилган Низомга кўра коммунал хизматлар учун иш ҳақидан ушланма тўғрисидаги аризада ходим коммунал хизматлар қиймати ва тури, коммунал ташкилот реквизитлари ва ушланма амалга оширилиши зарур бўлган даврни кўрсатиши керак.

Корхона коммунал хизматлар учун иш ҳақидан ушланган маблағларни тўлов топшириқномаси билан коммунал хизматлар кўрсатадиган корхона ва ташкилотларнинг ҳисобварақларига ўтказилади.

Коммунал хизматлар тўлангани тўғрисидаги тўлов ҳужжатларининг кўчирма нусхаларини корхона ходимга маблағлар коммунал ташкилотлар ҳисобварағига ўтказилганидан кейин эртаси куни топширади.

Мулкчилик шаклларида қатъи назар корхоналарнинг раҳбарлари:

ўз ходимлари ўртасида иш ҳақидан ушлаб қолиш йўли билан коммунал тўловларни тўлаш тартиби ва имкониятлари тўғрисида тегишли тушунтириш иш-ни доимий равишда ўтказишлари;

ўз ходимлари ёзма равишда мурожаат қилганида тегишли ҳисоб-китобларни бажаришлари, мазкур Низомга мувофиқ коммунал хизматлар учун иш ҳақидан ушланадиган суммаларни аниқлашлари;

маблағлар коммунал ташкилотлар ҳисобварағига ўтказилганидан кейин ходимга коммунал тўловлар тўланганини тасдиқлайдиган, корхона бош бухгалтери имзо чеккан ҳужжат топширишлари керак.

¹МБ ва МВнинг АВ томонидан 15.05.2001 йилда 1031-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

ЖАМОА ОЛДИДАГИ ЖАВОБГАРЛИК

Жамоа шартномасининг қоидаларини иш берувчи ва ходимлар жамоа органининг вакили бажармаган тақдирда қандай жавобгарлик чоралари назарда тутилган?

С.Макаров.

– Кўплаб иш берувчилар жамоа шартномасини локал меъёрий ҳужжат деб ҳисоблайдилар. Бироқ локал меъёрий ҳужжатлар ва жамоа шартномалари турли юридик куч ва мазмунга, қабул қилиш, кучга кириш, ўзгартириш тартибига эгадир.

Жамоа шартномасига киритган ҳолда иш берувчининг ҳар қандай мажбуриятлари юридик мажбурий тусга эга бўлади, бу эса улар бажарилмаган тақдирда юридик жавобгарлик бошланиши мумкинлигини тақозо этади.

Одатда жамоа шартномаси, башарти уни умумий йиғилишда (конференцияда) иштирок этаётганларнинг 50%идан кўпроги ёқлаб овоз берган бўлса, маъқулланган ҳисобланади.

Умумий йиғилишда (конференцияда) маъқулланганидан кейин тарафларнинг вакиллари жамоа шартномасини 3 кун ичида имзолайдилар (МКнинг 40-моддаси).

Жамоа шартномасида назарда тутилган мажбуриятларнинг бажарилишини тарафларнинг вакиллари, меҳнат жамоаси, шунингдек Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг тегишли органлари назорат қиладилар.

Бунда жамоа шартномасини имзолаган шахслар ҳар йили ёки

шартноманинг ўзида махсус кўрсатилган муддатларда мажбуриятларнинг бажарилиши ҳақида меҳнат жамоасининг умумий мажлисида (конференциясида) ҳисобот бериб турадилар (МКнинг 46-моддаси).

Шуни ҳисобга олиш лозимки, **қонун ҳужжатларида жамоа шартномаси тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун иш берувчининг жавобгарлиги назарда тутилган.** Чунончи, МКнинг 34-моддасига кўра, иш берувчининг манфаатларини ифода этувчи шахслар қуйидагилар учун жавобгар бўладилар:

1) жамоа шартномаси, келишувини тузиш, ўзгартириш ёки тўлдирish юзасидан олиб борилаётган музокараларда қатнашишдан бўйин товлаганлик ёки уларни ишлаб чиқиш ва тузиш муддати-ни бузганлик ёхуд тарафлар белгилаган муддатда тегишли комиссиянинг ишини таъминламаганлик учун;

2) музокаралар олиб бориш ва жамоа шартномаси, келишувига риоя этилиши устидан текшириш олиб бориш учун керакли ахборот тақдим этмаганлик учун;

3) жамоа шартномаси, келишувини мажбуриятларини бузганлик ва бажармаганлик учун.



Юқорида санаб ўтилган ҳаракатлар (ҳаракатсизликлар) меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши тариқасида баҳоланади ва маъмурий жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Ушбу ҳуқуқбузарликлар аниқланганда Бандликка кўмаклашиш туман (шаҳар) давлат меҳнат ҳуқуқ инспектори томонидан текширув давомида иш берувчига нисбатан **энг кам иш ҳақининг 2 бараваридан 5 бараваригача миқдорда жарима** қўлланиши мумкин (Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддаси).

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, **асосий ишдан озод қилинган, касабга уюшмаси органларидаги сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайланган, ходимлар томонидан жамоа шартномасини имзолашга ваколат берилган шахслар ҳам, бундай ҳуқуқбузарликларни содир этганда, МКнинг 181-182-моддаларида назарда тутилган тартибда интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин.**

Бунда жамоа шартномасида назарда тутилган шартларни бузишда ёки бажармасликда айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка тортиш тарафларни (тарафни) мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛАДИМИ?

Меҳнат жамоасининг йиғилишида муҳокама этилганидан кейин жамоа шартномаси маъқулланиб, сўнгра имзоланди. Унинг имзоланган кундан бошлаб кучга кириши ва 2 йил мобайнида амал қилиши белгиланди.

Жамоа шартномасини юқори турувчи касабга уюшмаси ташкилотида, яъни шаҳар касабга уюшмалари қўмитасида рўйхатдан ўтказиш керакми, ахир у ички локал ҳужжат саналади?

Р.Иброҳимов.

– Сиз ҳақлисиз, жамоа шартномасини рўйхатдан ўтказиш керак эмас.

Меҳнат кодекси ва «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»-ги Қонунда **жамоа шартномаларини рўйхатдан ўтказиш назарда тутилмаган.**

МКда жамоа келишувлари – бош, тармоқ ва ҳудудий (минтақавий) **келишувларни** Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг тегишли органларида билдириш тусида рўйхатдан ўтказишга бағишланган меъёр мавжуд (МК 51-моддасининг тўртинчи қисми), бироқ у жамоа шартномаларига тааллуқли эмас.

Абдусалом РИСКУЛЛАЕВ, эксперт-юристамиз.

Реклама



Электрон маълумотнома тизими

КАДРЛАР БЎЙИЧА МАСЛАХАТЧИ

Харид қилиш масалалари бўйича қуйидагиларга мурожаат қилинг:

Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1. 6-қават.

Тел./факс! (998 71) 283-23-74.

E-mail: info@norma.uz, web:www.norma.uz

ТОМОРҚАДА ЕТИШТИРИЛГАН ҲАЙВОНЛАРНИ СОТИШДАН СОЛИҚ ТЎЛАМАЙСИЗ

Ўз томорқамда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, шу жумладан уйимда боқилган қорамол ва паррандаларни сотсам, уларнинг пули пластик карточка ҳисоб-рақамимга келиб тушса, ушбу ҳолатда қандай солиқ оқибатлари юзага келади?

Мен етиштирган қорамол ва паррандаларни ягона солиқ тўловчи юридик шахс харид қилса, у ЯСТ тўлайдими?

Омонжон Каримова.

Хоразм вилояти, Хива тумани, Эски қиёт қишлоғи.

– Солиқ кодексининг 179-моддаси 12-бандига асосан, жисмоний шахсларнинг уй хўжалигида, шу жумладан деҳқон хўжалигида етиштирилган ҳайвонларни (қорамол, парранда, мўйнали ва бошқа ҳайвонлар, балиқ ва бошқаларни) тирик ҳолда ҳамда уларни сўйиб, маҳсулотларини хом ёки қайта ишланган ҳолда, саноатда қайта ишланган ташқари, табиий ва қайта ишланган чорвачилик, асаларичилик ва деҳқончилик маҳсулотларини сотишдан олинган даромадларига жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи солинмайди.

Мазкур даромадлар солиқ тўловчи тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, боғдорчилик, узумчилик ёки поллизчилик ширкатларининг бошқарувлари томонидан берилган, реализация қилинган маҳсулот солиқ тўловчи томонидан унга ёки унинг оила аъзоларига ажратилган ер участкасида етиштирилган-

лигини тасдиқловчи белгиланган шаклдаги ҳужжатни тақдим этган тақдирда, солиқ солишдан озод қилинади.

Шундан келиб чиқиб, сиз юқорида қайд этилган йўсинда уй хўжалигинида боқилган қорамол ва паррандаларни сотишдан олган даромаддан даромад солиғи тўламайсиз.

Саволингизнинг иккинчи қисмига келсак, Солиқ кодексининг 355-моддасига кўра ягона солиқ тўловчини тўловчилар учун солиқ солиш объекти бўлиб товарларни (ишларни, хизматларни) қўшилган қиймат солиғини чегирган ҳолда (қўшилган қиймат солиғи тўлашга ўтган солиқ тўловчилар учун) реализация қилишдан тушган тушум ҳисобланади.

Демак, ягона солиқ тўловчи юридик шахс товарларни (масалан, қорамол ва паррандаларни) харид қилишдан эмас, балки уларни реализация қилишдан тушган тушумдан ЯСТ тўлайдилар.

Корхонамиз шаҳардан ташқаридаги турбазада ўз ходимларининг жамоавий тарзда дам олиши учун саёҳатни ташкил этди. Умумий харажатлар, шу жумладан йўл ва овқатланиш харажатлари 1 800 000 минг сўмни ташкил этди.

Мазкур ҳолатда бу суммадан жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи ва ижтимоий суғурта ажратмалари ҳисоблашимиз керакми?

Фаррух Қосимов, МЧЖ директори.

Қарши шахри.

ИШЧИЛАР САЁҲАТИ ХАРАЖАТЛАРИДАН СОЛИҚ ОЛИНМАЙДИ

– Солиқ кодексининг 171-моддаси иккинчи қисми 4-банди асосан, юридик шахслар амалга оширадиган диний расм-русумлар ва маросимларни, байрам тантаналарини ўтказиш, вакиллик харажатлари, шаҳар йўловчилар транспортда ходимларнинг хизмат қатновлари учун фойдаланиладиган йўл карточкаларини олиш, шунингдек юридик шахсларнинг ходимларнинг меҳнат ва дам олиш шароитларини таъминлаш

билан боғлиқ ҳамда муайян жисмоний шахсларнинг даромади ҳисобланмайдиган бошқа харажатлар жисмоний шахсларнинг даромади сифатида қаралмайди.

Шу тариқа, ушбу ҳолатда корхонангиз харажатлари саёҳатда қатнашувчи жисмоний шахсларнинг даромади ҳисобланмайди, тегишинча, уларга жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи ва ижтимоий суғурта ажратмалари солинмайди.

Жавобларни экспертимиш Фуломжон ТЎЛАГАНОВ тайёрлади.

Ижтимоий таъминот

ПЕНСИОНЕР ОШГА ЎРТОҚ...МИ?

– 5 йилдирки, пенсия олсам-да, иш-лашда давом этмоқдаман. Мамлакат Президенти Фармони билан энг кам иш ҳақи миқдори ошганлиги муносабати билан пенсияни қайта ҳисоб-китоб қилишлари учун йилига камида икки марта Юнусобод туман ижтимоий таъминот идорасига боришимга тўғри келмоқда.

Кейинги вақтларда бу ишни амалга ошириш учун мазкур идорага бир неча марта қатнаб, тирбанд навбатларда тик оёқда туришга мажбур бўлаётганим ҳам рост. Аввалига идорада таъмирлаш ишлари олиб борилаётганлиги учун бундай ҳолатни тушунса бўларди. Бироқ таъмирлаш иши тугаган бўлса-да, тартибсизлик барҳам топмади.

Илгарилари келганимизда бухгалтер ҳаммамиздан топшириқномаларни йиғиб олиб, уларга тегишли ёзув киритиб тасдиқлаб берар ва нари борса, ярим соатда ишимиз битар эди. Энди бўлса, қайта ҳисоб-китоб учун ҳужжатларни топшираётган ёки олаётган ишловчи пенсионерлар ҳам, пенсия ёки нафақани эндигина расмийлаштираётганлар ҳам, кадрлар билан ишлаш

бўлими ходимлари ҳам бир ерга йиғилгани боис навбатда кам деганда бир соат турсан киши.

Ниҳоят галинг келиб, кўлингдаги қоғозни инспектор столига қўйишинг билан: «Бир ҳафтадан кейин келинг» деган жавобни эшитасан. (Баъзан, гарчи гувоҳноманинг кўчирма нусхасини топширган бўлсанг ҳам СТИР кўрсатилмабди деб тирғалиб қолишади). Бир ҳафтадан кейин



келиб, яна навбатда туриб, инспекторга йўлиқасан. Шунда... ҳужжатинг расмийлаштирилмаган, уни умуман топширган-топширмаганлигинг номаълум бўлиб чиқиши ҳам мумкин. Орада нордон гаплар ҳам аралашгач, топшириқномани стол

устида уюлиб ётган қоғозлар орасидан қидиришга тушишади.

Бу орада инспекторни қаергадир чақириб қолишади. Ўзинг мустақил равишда қидиришни давом эттирасан, навбатдошлар ўз ҳужжатларини ҳам излаш баҳонасида сенга кўмаклашадилар, охир-оқибат бир ҳафта ичида қоғозларга қўл урилмаганлиги аён бўлади.

Ниҳоят инспектор иш жойига қайтиб, компьютер базасидан фамилиянгни топиб, мониторга кўз қирини ташлаганича, топшириқномангни қўлда тўлдиришга тушади. Шу аснода кимдир телефон қилиб қолади, нариги столда ишлайдиган ҳамкасабаси келиб ниманидир ундан сўрайди. Ниҳоят тўлдирилган



топшириқномани қўлингга тутқазиб, муҳр бостириш учун қаерга боришингни айтади. У ерда яна навбат кутасан. Тушга бориб, ишинг битади. «Бир ҳафтадан кейин келинг» деб айтишмаганига шукур қилиб, йўлга тушасан.

Бунақа аҳволни фақат Юнусобод туманида учратиш мумкин деб ўйлаб юрардим. (Мен сингари ишлашда давом этаётган тенгқурларимнинг сўзларига қараганда, бошқа туманларда ҳам бунақа кўнгилсиз ҳолатга дуч келиш мумкин экан). Юнусобод туман ижтимоий таъминот бўлимига энг кейинги боришимда олган фотосуратлар сўзларимни шундоққина исботлаб турибди.

Дафъатан, нима учун ҳужжатларни қўлда расмийлаштиришади деган савол туғилади: ахир бу идоранинг ҳар бир ходими олдида компьютер бор-ку?! Ишловчи пенсионерларнинг пенсиялари қайта ҳисоб-китоб қилинадиган кунлари уларни қабул қилишни ташкил этишинг мақбулроқ йўлини ўйлаш керак шекилли. Зотан ижтимоий таъминот тизими учун биздан нафкатта: тайинланган пенсиянинг ярмисини олашимиз, суғурта бадаллари тўлаймиз. Бизга эса муносабат кўрганингиздек ошга ўртоқ қабилида.

Клара ИБРАГИМОВА.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш.,
Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. 283-44-27
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: gazeta@norma.uz,
normapress@mail.ru
www.norma.uz
Нашр учун масъул:
Зулфия Раҳимбекова

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуқтаи назарига мос келавермайди.

Тахририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.

«Norma маслаҳатчи»да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «Norma» газеталари бирлашган тахририяти МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета тахририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида «TOPPRINT» МЧЖ босмахонасида босилди. (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс – 186 Буюртма 578 Адади 2 760. Баҳоси келишилган нархда
Газета 2012 йил 12 ноябрда соат 15.00 да топширилди.
ISSN 2010-5223